O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo`rg`on shahar
**HOKIMI**
**QARORI**

**РЕШЕНИЕ**
**ХОКИМА**
**города Каттакургана**
**Самаркандской области**
**Республики Ўзбекистан**

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo`rg`on shahri, Amir Temur ko`chasi, 4 uy. tel.: (036645) 6-15-89 faks.: (036645) 6-10-01

**2018 у.г. «13» август** **№ 1533-к** **Kattaqo`rg`on sh. – г. Каттакурган**

## Каттақўрғон шаҳар Навбаҳор маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхонасига 1 та замонавий чиқиндихона қуриш учун 120 кв.метр ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29-мартдаги “Обод қишлоқ” дастурини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ПҚ-3630-сонли ҳамда 2018 йил 27 июндаги “Обод маҳалла» дастурининг асосий параметрларини тасдиқлаш ва уларнинг ижросини таъминлаш масалалари тўғрисида”ги 3812-сонли қарори, қарори, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шаҳарсозлик кодексларига мувофиқ ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш, “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхонасининг шаҳар ҳокими номига ёзган хати Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг хулосаси ва Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига асосан;

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

**1.** Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг хулосаси тасдиқлансин.

**2.** Каттақўрғон шаҳар Навбаҳор маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхонасига 1 та замонавий чиқиндихона қуриш учун 120 кв.метр ер майдони ажратилсин.

**3.** “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхонаси раҳбарига белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида замонавий чиқиндихона қуриши учун ҳужжатларни расмийлаштириш юклатилсин.

**4.** Ушбу қарор тегишли корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рўхсатномалар олиш учун асос ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.

**5.** Шаҳар бош архитектори (О.Розиқов) ва Самарқанд вилоят “Ермулккадастр”ДКнинг Каттақўрғон шаҳар филиали бошлиғи (У.Туропов)га “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхонасига 1 та замонавий чиқиндихона қуриш учун ажратиладиган ер майдонини натура тарзда жойида ўлчаб бериш ва тегишли далолатномаларни расмийлаштириш топширилсин.

**6.** Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Д.Рахмонов зиммасига юклатилсин.

**Шаҳар ҳокими** **М.Хашимов**